

Сагтаров Б.К. – ТМИ, катта  
ўқитувчи, и.ф.н.  
Жўраева Г. – ТМИ, талаба

## ИЖОБИЙ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРДИР

Мақолада молиявий таҳлил қилишнинг хорижий тажрибаси ёритиб берилган. Бунда таҳлил ўтказишнинг босқичлари, ҳар бир босқичнинг мазмуни ва аҳамияти ўрганилган. Хориж тажрибаси асосида ёндашувдаги имкониятлар кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** молиявий таҳлил, фойдаланувчилар, бизнес фаолияти, молиявий қарор, тармоқ таҳлили, бизнес стратегияси, рақобат асоси, маҳсулотлар фарқи, миқдорий молиявий таҳлил.

В статье изложено зарубежный опыт по финансовому анализу. В нём изучены этапы по проведению финансового анализа, а также содержание и значение каждого этапа. Раскрыты возможности зарубежного опыта.

**Ключевые слова:** финансовой анализ, пользователей, бизнес деятельности, финансовой решение, отраслевой анализ, бизнес стратегия, основа конкуренции, разница продукции, количественный финансовый анализ.

Foreign experience of financial analysis has been described in the article. Steps of analysis, content and significance of each step has been searched, Possibility out of foreign experience has been noted.

**Key words:** financial analysis, users, business activity, financial decision, industry analysis. business strategy, core competence, product differentiation. Quantitative financial analysis.

Миллий иқтисодиётимиз модернизация қилинаётган ҳозирги даврда унинг илмий асосини ташкил этувчи барча иқтисодий фанлар ҳам замонавий муносабатлар талабларидан келиб чиқиб шакллантирилиши ёки қайта кўриб чиқилиши зарур. Бу борада ривожланган мамлакатлардаги тажрибаларни ўрганиш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳам аҳамиятли тадбирлардан бири бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам молиявий таҳлил фани бўйича АҚШда тўпланган тажрибаларнинг мавзуга алоқадор қисмини ёритиб беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Маълумки барча мамлакатлардаги бизнес фаолиятида молиявий таҳлил молиявий ва унга боғлиқ бўлган маълумотларни қайта ишлаб фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш ёки тавсиялар ишлаб чиқиш учун асос бўладиган ахборотларни беради. Бу жараёнда инвестиция, кредит, корхоналарнинг олди-сотди муносабатлари кенг кўламда кўриб чиқилиши мумкин. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, молиявий таҳлил бизнес фаолиятида қарорлар қабул қилишнинг муҳим қисмидир.

АҚШда шу соҳа олимларнинг фикрича молиявий таҳлилни ҳар томонлама ва тизимли олиб бориш учун қуйидаги олти босқичли жараён тавсия этилади[1].

1. Мақсад (Purpose). Қабул қилинадиган молиявий қарордан келиб чиқиб таҳлил мақсадини аниқлаш.

2. Корхона (корпоратив) шарҳи (Corporate overview). Корхонани тармоқда тутган ўрнини шарҳлаш ва таҳлил қилиш ҳамда мақсаддан келиб чиқиб таҳлил ўтказиш.

3. Микдорий молиявий таҳлил ўтказиш усуллари (Quantitative financial analysis techniques). Умумий ҳисобот шакллари, молиявий коэффицентлар, молиявий моделлар, молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш ва бошқа маълумотлардан фойдаланиб истиқболни башорат қилиш, Бунда даврлар, тармоқ ва бозор маълумотлари мужассам бўлади.

4. Ҳисоботнинг батафсил таҳлили (Detailed accounting analysis). Молиявий ҳисоботнинг ишончилигини, даромадларни бошқаришни рағбатлантириш йўллари кўриб чиқиш. Асосий натижаларни баҳолаш учун муҳим бўлган бухгалтерия мавзуларини шарҳлаш.

5. Ҳар томонлама таҳлил (Comprehensive analysis). Барча таҳлил компонентларини ёки фаолиятни умумлаштириш. Қарор қабул қилинадиган жиҳатларга эътиборни қаратиш, оғриқ нуқталарни кўриб чиқиш.


6. Молиявий таҳлил қарори (Financial analysis decision). Юқоридаги таҳлилларда аниқланган асосий факторлар асосланган ҳолда тавсиялар билдириш ёки қарорлар қабул қилиш.

Йирик компаниялар ёки корхоналарда молиявий таҳлил турли йўналишларда ўтказилиши мумкин. Мисол учун, инвестиция, кредит ёки қарз олиш, қимматли қоғозларни жойлаштириш ва шу кабилар. Инвестицияларда молиявий қарор инвестициянинг мақбул ҳажми ҳамда унинг қайтимини белгилашга оид бўлади. Мақсадда эришилиши шарт бўлган муҳим жиҳатлар илмий амалий жиҳатдан белгилаб олинади.

Корхона (корпоратив) шарҳи икки йирик қисимга ажратилади. Улар тармоқ ва бизнес стратегиясидан иборат бўлади.

Тармоқ таҳлилида корхона қайси тармоқда фаолият кўрсатмоқда, тармоқ хусусиятлари, субъектнинг тармоқдаги ҳолати, рақобатдошлиги, фаолият диверсификацияси, келгусидаги имкониятлар ўрганилади.

Бизнес стратегияда куйидаги уч муҳим омил кенг кўламда таҳлил қилинади (Расм).



### 1-Расм. Бизнес стратегиясида таҳлил қилинадиган уч муҳим омил.

Харажатларни камайитириш ишлаб чиқаришдаги самарали усуллар орқали эришилади. Бу билан таннарх арзонлаштирилади, баҳони пасайтириш

имконияти ҳосил бўлади. Натижада эса рақобатдошларга қараганда корхонада афзал имконият ҳосил бўлади. Демак, маҳсулотнинг бозор баҳосини бошқариш рули корхонага ўтади. Айниқса, маҳсулотларида, айтарли фарқ бўлмаган корхоналар ўртасида баҳони бошқаришга эришиш имконияти жуда катта аҳамиятга эга.

Маҳсулотлар фарқида корxonанинг маҳсулотларини ижобий ва илғор томонлари, шунингдек бошқа рақобатдош маҳсулотларга ўхшаш жиҳатлари кўрсатиб бериллади. корхонага сотиш жараёнига маҳсулотлар фарқи қандай таъсир кўрсатиши ўрганилади.

Рақобатнинг асосида корxonанинг бу борада қўллаётган усуллари ва воситалари таҳлил қилинади. Мисол учун, DELL компанияси бизнес фаолиятида қуйидагиларни яхши амалга ошириб келмоқда. Аввало, маҳсулотни буюртмачини талабига мослаштириб ишлаб чиқариш, юқори сифатли маҳсулот, мақбул нарх, самарали етказиб бериш тизими, хизмат кўрсатиш ва доимо ёрдам кўрсатиш. Мана шундай ёндашув DELL компаниясини фаолияти ҳамда рақобатдошлигини асосини ташкил қилмоқда.

Корхона шарҳида тармоқ ва бизнес стратегияси бўйича умумлашган тушунтиришлар батафсил ёзилади.

Корxonанинг молиявий ҳисоботлардаги маълумотлари миқдорий молиявий таҳлил жараёнида қайта ишланади. Яни, коэффициентлар, динамик ёндашув, истиқболли таҳлил нуқтаи назарларидан келиб чиқиб ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳолатлар аниқланади. Ушбу ҳолатларни кейинги уч-беш йилликдаги ўзгаришлари ўрганилади, Улар рақобатдош корxonаларнинг худди шу каби кўрсаткичлари билан таққосланади. Мазкур босқичда молиявий маълумотлар стандартлаштирилади. Мисол учун, пул маблағлари жорий мажбуриятлар билан, хусусий капитал мажбуриятларга нисбатан, соф фойда тушумга нисбатан фоиз ҳолатига келтирилади. Шундан сўнг, фоиз ҳолатига келтирилган кўрсаткичларнинг даврлар бўйича ўзгаришлари аниқланади. Ўсиш ёки камайиш тенденциялари таҳлил қилинади. Яъни, сотиш рентабеллиги ошиб бордими? Ликвид маблағлар кўпайиб бордими? Каби саволларга жавоб топилади. Ва ниҳоят, аниқланган кўрсаткичлар рақобатдош, тармоқдаги ўртача, бозордаги ўртача ҳолатлар билан таққосланади. Натижада, компаниянинг молиявий аҳволи аниқланиб унга баҳо бериллади.

Ҳисоботнинг батафсил таҳлилида бу шундай таҳлил босқичи, бунда молиявий ҳисобот ва бошқа манбалар асосида компаниянинг яқин ва узоқ истиқболи баҳоланиб мураккаб шароитдаги рақобатдошлиги ўрганилади. Компанияларнинг ҳисоб сиёсатида белгилаб олган усулларга баҳо бериллади. Уларнинг натижавий кўрсаткичларга таъсири кўриб чиқилади. Мазкур ҳолатни ўзаро таққослашда келтириб чиқарадиган камчиликларига баҳо бериллади. Таҳлил натижаларининг асосий жиҳатлари тушунтириш хатларида (footnote, MD&A) келтирилади. Яна, даромадларни бошқариш ёки уйдлаш ҳам мазкур босқичда кўриб чиқилади. Бунда компаниянинг танлаб олган ҳисоб усуллари бошқа рақобатдош корxonалар билан бир хил-ми ёки фарқли томонлари мавжудми? Бу ҳолат компанияга қандай ижобий ёки салбий натижаларни

келтириб чиқармоқда? Менежерлар ва ходимларни рағбатлантириш тизими қандай ишламоқда? Каби саволларга жавоб топилади.

Ҳар томонлама таҳлил босқичида юқорида айтиб ўтилган барча таҳлил натижалари умумлаштирилади. Энг асосий афзал томонлар ёки камчиликлар топилади. Ҳар бир муҳим жиҳатга тушунтириш ёзилади. Фаолиятни бажарилиш ҳолати ва истиқболига баҳо берилади. Шундан сўнг мазкур компанияга инвестиция қўйиш мумкин ёки бошқа афзал муқобил вариантлар мавжудми? каби саволларга жавоб топилади. Таҳлил натижалари эълон қилинади.

Молиявий таҳлил қарори эса дастлабки мақсадга мувофиқ келиши ва асосланиши керак. Мисол учун, корхонага кредит жалб этиш зарурати. Бу ҳолатда корхонага кредит нима мақсадда олинмоқда. Унинг муддати. Ўз вақтида қопланиши. Кредитга кафолат бўладиган объектлар. Асосий қарзни қайтара олиш имконияти ва унинг реаллиги. Фоизларни ўз вақтида тўлаш учун иқтисодий асослар мавжудлиги кабилар аниқ активлар, уларнинг ликвидлиги, тўлов учун ўз вақтида етарли бўлиши каби жиҳатлар кўрсатиб берилади. Шундан сўнг молиявий қарор қабул қилинади. Демак таҳлил натижалари молиявий қарор қабул қилишнинг асосидир.

Юқориғи фикрларга хулоса тарзида айтиб ўтиш мумкинки олти босқичли молиявий таҳлил ўтказишда компаниянинг энг муҳим жиҳатлари аниқланади. Уларга баҳо берилади. Улар молиявий қарорлар қабул қилишда таянч вазифасини бажаради.

Биз бу борадаги миллий тажрибаларга эътибор қаратсак корхона фаолиятида молиявий таҳлилни ташкил этишнинг қуйидаги босқичлардан иборат эканлигини кўрамиз[2]:

Таҳлил режаси тузиш босқичи. Молиявий таҳлилнинг режасини тузиб олиш таҳлилни ташкил этишнинг асосий қисмидир. Бу босқичда молиявий таҳлил ишлари нимадан бошланиши, таҳлил ўтказувчи комиссияга кимлар киритилиши ҳамда таҳлил ишлари нима билан якунланиши кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари таҳлил ўтказишда қуйидагилар аниқ кўрсатилган ва белгиланиб олинган бўлиши лозим:

Таҳлил учун зарур кўрсаткичларни белгилаш ҳамда керакли бўлган манбаларни аниқлаш. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- таҳлил учун зарур маълумотларни аниқланади;
- таҳлил манбалари белгиланади;
- қўшимча маълумотлар жалб этилади.

Тўпланган маълумотлар ва уларнинг манбаларини тўғрилигини текшириш ҳамда ишончлилигини аниқлаш. Манбалар таҳлил учун мослаштирилади. Бундан ташқари ушбу босқичда қуйидагилар белгилаб олинади олинади: - таҳлил усуллари;

- маълумотларни соддалаштириш;
- жадвал, чизма ва макетларни тузиш;
- таъсир этувчи омилларни топиш.

Иқтисодий таҳлил босқичи. Бу энг муҳим босқич бўлиб, бевосита таҳлил жараёнлари амалга оширилади, кўрсаткичлар ҳисобланади, ўзгаришлар топилади, ўзгариш сабаблари ва унга таъсир этувчи омиллар, ҳам миқдор, ҳам тартиб жиҳатдан аниқланади. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- мезон кўрсаткичларини аниқлаш;
- кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ҳамда натижаларни баҳолаш;
- баҳолашда экспертизадан фойдаланиш;
- натижаларни умумлаштирувчи мезонларни аниқлаш;
- таҳлил натижаларини хулосага тайёрлаш.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш босқичи. Бу босқичда ўрганилаётган иқтисодий жараён яқунланади. Ўзгаришларга баҳо берилади. Бундан ташқари ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур бўлади:

- корхона фаолияти натижаларининг ўзгариш сабабларини тушунтириб бериш;
- корхона фаолиятини янада яхшилашга оид заҳираларни жамлаб кўрсатиб бериш;
- аниқланган заҳиралардан фойдаланиш тадбирларини белгилаш;
- таҳлил натижаларини ҳисоблаш ва ҳисоботда ифодалаш.

Таҳлил натижасида аниқланган илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётда қўллаш чоралари ва тадбирларини кўрсатиб бериш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш босқичи.

Молиявий таҳлил ўтказиш босқичларини хорижий ҳамда миллий тажрибаларини таққослаб кўрсак, уларни бир-бирларидан фарқ қилувчи томонларини ёки айрим ўхшаш жиҳатларини кўриш мумкин. Икки томон ҳам мақсаддан бошлаб таҳлил натижаларни амалиётга қўллаш ҳолати билан яқунламоқда. Бироқ, уларнинг қолган босқичлари бир-бирларига мос тушаётгани йўқ.

Бизнинг назаримизда хориж тажрибасидаги - Корхона (корпоратив) шарҳи, Миқдорий молиявий таҳлил ўтказиш усуллари, Ҳисоботнинг батафсил таҳлили, Ҳар томонлама таҳлил ўтказиш босқичлари мазмуни ва тайинлашига кўра кенг кўламдаги аниқ натижаларни ёритиб бериши билан афзал аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Улардан миллий ҳисоб тизимида фойдаланиш ўтказиладиган молиявий таҳлил ишларини мазмунан бойитиб, натижаларини сифат жиҳатдан яхшилаб беради. Ушбу ёндашувлар авваллари бизнинг миллий ҳисоб тизимимизда қўлланилмагани учун ҳамда унинг самарадорлиги юқори бўлгани сабабли уларга янги имкониятлар тарзида қараш ва қабул қилиш даркор. Зероки, ижобий янгиликлар ҳар доим яхши натижаларни олиб келади.

Яна, иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги корхоналарнинг бошқарув таҳлили бўйича тажрибаларига эътибор берсак, уларда мазкур масалага ўта жиддий ва пухта ёндошишни кўрамиз. Яъни, ҳисоб тизимининг механизми комплекслиги (барча томонларни қамраб олиши) ва узлуксизлиги билан афзал аҳамият касб этади.



Уларнинг қуйидаги жиҳатлари – бошқарув ҳисобини тўла маънода бошқарув мақсадлари ва талаблари асосида ташкил этилиши ҳамда юритилиши, маблағлар ҳаракатини белгиланган жойда ва масъул шахс томонидан ўз вақтида қайд қилиниши ҳамда умумлаштирилиши, тайинланган бўлимга ва шахсга ўз вақтида маълумот етказиб бериш, ички ҳисоб ҳужжатлари шаклининг мукамаллиги, жараёнларнинг компьютерлаштирилганлиги ва таҳлил ўтказишда масъул шахслар сонини кўплиги ва уларнинг жавобгарлиги ижобий томонларини намоён қилади.

Бошқарув таҳлилида ўрганилиши зарур бўлган объектларни кўплиги ўз навбатида унинг комплекс бўлишига ва турли мутахассислар иштирок этишига имконият яратади. Хўжалик фаолияти тўғрисида маълумотларнинг юқоридаги тартибда шаклланиши ва таҳлил қилиниши бевосита барча бошқарув объектларини кузатиш, ўрганиш ҳамда тезлик билан уларга таъсир этиш имкониятини беради.

Иқтисодий таҳлилчи мутахассислар маълумотлар асосида ишлайди. Дунёда маълумотлар эса турли шаклларда ва тилларда эълон қилинади. Чет элларда бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида билиш ва унинг сабабларини ўрганиш учун ҳам мазкур мутахассислар хорижий тилларни ҳамда уларнинг ҳисоб усулларини ўрганиши бугунги кун талабидир. Ушбу тадбирларни ҳам ижобий амалга оширилиши республикамизда хўжалик субъектлари фаолиятида иқтисодий таҳлилнинг ривожланиши учун муҳим омил бўлади.

Хулоса қилиб айтганда корхоналарни самарали бошқариш, мақбул молиялаштириш, керакли ва самарали инвестицияларни жалб қилиш, фаолият самарадорлигини таъминлаш, акцияларга тўланадиган дивидендларни кўпайтириш каби масалалар кўп жиҳатдан иқтисодий таҳлил ишларини тўғри ташкил қилиш ва олиб боришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада эса илғор хориж тажрибалари жуда ҳам муҳимдир.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Gary Giroux 2 page. Gary Giroux 326 page.
2. Б.Ҳакимов, Б.Алимов, У.Холмирзаев, А.Пўлатов. 154 бет.